

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14629578>

ТАБИЙ ҲАВФИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ҲУДУДЛАРДА ОЛИБ БОРИЛГАН МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ ВА УНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Алиқулов Ғолиб Нортошевич

Қарши техника университети

asilbek2022@rambler.ru

Сиддикова Ирода Акмал қизи

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти магистри

siddikovairoda7@gmail.com

Нортошов Асилбек Ғолиб ўғли

"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти" Миллий тадқиқот университети талабаси

asilbekn512@gmail.com

***Аннотация:** Ушбу мақолада, табиий хавфи юқори бўлган зоналар кадастр тизимини юритиш, маълумотларни ўрганишининг миллий ва халқаро дастурлари ҳақида ёритилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:** Табиий хавфлар, ДҚЯТ, сейсмик хавф, гидрометрология, маълумотларни рақамлаштириш.*

***Abstract:** In this article, the national and international programs of maintaining the cadastral system of the zones with high natural risk, and studying the data are discussed.*

***Key words and phrases:** Natural hazards, DKYaT, seismic hazard, hydrometrology, data digitization.*

***Аннотация:** В данной статье обсуждаются национальные и международные программы ведения кадастровой системы зон повышенного природного риска, а также изучение данных.*

***Ключевые слова и фразы:** Природные опасности, ДҚЯТ, сейсмическая опасность, гидрометрология, оцифровка данных.*


Кириш. Бугун дунёда кузатилаётган табиий ҳамда техноген ҳолатларга ҳар бир мамлакат уларга қарши курашиш учун манзилли чораларини кўриш, аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга тайёрлаш борасида замонавий талаб даражасидаги дастурлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни тизимли равишда амалга оширишни талаб қилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам 2017 йилдан бошлаб, мамлакатда Фуқаро муҳофазасини таъминлаш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини тубдан янгилаш, бу борада яхлит, ихчам ва замонавий механизмни яратиш ҳамда ишга тушириш бўйича тарихий ишларга киришилди.


Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Табиий хавфи юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш, кадастр ахборотларини тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, ҳисобга олиш ва баҳолаш, фойдаланувчиларни белгиланган тартибда кадастр ахбороти билан таъминлаш мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади: Табиий хавфи юқори бўлган зоналар кадастрини такомиллаштиришда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланиш орқали кадастр хариталаридан фойдаланиш имкониятларини ошириш, кадастр маълумотлар базасини такомиллаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш орқали тадқиқот объектида маълумотлар ишончилигини оширишга эришиш ҳисобланади.

Асосий қисми. Тажриба таҳлил натижалари Қашқадарё вилояти мисолида амалга оширилди. Ишимизни дастлаб, вилоят ҳудудида рўй берган табиий офатларни таҳлил қилишдан бошладик. Таҳлил натижаларига кўра вилоятимизнинг Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Китоб, Қамашу туманларида, вилоятнинг бошқа туманларига қараганда кўпроқ кўчки, қор кўчиши, сел каби табиий офатлар рўй бериши маълум бўлди. Бунга асосий сабаб мазкур туманларнинг рельефи ҳисобланади. Асосан тоғлик ҳудудларда жойлашган бу ҳудудларда бундай офатлар доимий ва мавсумий хавф солиб туради. Шунинг учун бу ҳудудларда мунтазам равишда кузатув ишлари олиб борилади. Йиллик маълумотлар базаси янгиланиб борилади. Олиб бориладиган кузатишлар асосида ҳимоя зоналари барпо этилади. Қуйидаги расмда Республикамиз бўйлаб жойлашган кузатиш станциялари келтирилган.



Республиканинг тоғ ва тоғ олдиди ҳудудларида қўзатув ишлари 17 997,87 кв.км майдонни қамраб олади.



Қўзатиш станциялари

Вилоятимиз ҳудудида рўй берган офатларни таҳлил қилар эканмиз, Дехқонобод туманидаги темир йўл участкасидаги йирик кўчки натижасида 5та вагон зараланганлигини кўришимиз мумкин.



30.04.2019 йилда Дехқонобод туманида темир йўлининг 103,5-103,9 км участкасида 2,0 млн. м³ йирик кўчки қўзатилади. Кўчки таъсирида 5 та вагон зарар кўрган



23.01.2017 йилда 16км ПК-1 участкасида 150 минг м.куб ер қўчкиси



1- расм. Дехқонобод худудидаги қор қўчкиси

Бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида, аввало, қўчкиларга сабаб бўлувчи омилларни қўриб чиқамиз. Булар қуйидагилар:


- Гидрометеорологик шароит;
- Сейсмик омиллар (зилзила);
- Техноген омиллар (инсонларнинг инженерлик фаолияти ва бошқалар).

Ер қўчкилари содир бўлишига таъсир этувчи асосий омиллар

✓ Гидрометеорологик шароит;

✓ Сейсмик омиллар (зилзила);

✓ Техноген омиллар (Инсонларнинг инженерлик фаолияти ва бошқалар)



2-расм. Ер қўчкиларининг содир бўлишига таъсир этувчи омиллар.

Қуйидаги статистик жадвал ишлаб чиқилди.(1-жадвал) Бундай маълумотларни мунтазам равишда янгилаб бориш, табиий офатларнинг салбий натижари миқдорини камайишига олиб келиниши мумкин.

Қашқадарё вилоятининг тоғли худудларида (Шахрисабз, Китоб, Қамаши
Деҳқонобод туманлари)да
2023 йил 26 январь ҳолатига қор қоплами қалинлиги ҳақида

т/р	Тоғ чўккиларинг маҳаллий номланиши	Тоғлардаги қорнинг қалинлиги (см)	Қор кўчкиси содир бўладиган худудга яқин қишлоқ	Қишлоқларда яшовчи хўжалик ва аҳоли сони	Сел келиш хавфи мавжудлиги	Қор кўчиш хавфи мавжудлиги
1	Чаққил	25-40	Шахрисабз тумани Кўл қишлоғи	269 та хўжалик 1352 нафар фуқаро	мавжуд	мавжуд
2	Хами Калон	150	Шахрисабз тумани Кўл қишлоғи		мавжуд эмас	мавжуд
3	Куртистон	60	Шахрисабз тумани Кўл қишлоғи		мавжуд эмас	мавжуд
4	Жангали Қози	90	Шахрисабз тумани Кўл қишлоғи		мавжуд	мавжуд
5	Кўл Мунаввар	20-65	Шахрисабз тумани Кўл қишлоғи		мавжуд	мавжуд
6	Соя	50	Шахрисабз тумани Кўл қишлоғи		мавжуд эмас	мавжуд
7	Туркулук	100	Шахрисабз тумани Филон қишлоғи	1262 та хўжалик 5263 нафар фуқаро	мавжуд эмас	мавжуд
8	Ношур	80-90	Шахрисабз тумани Филон қишлоғи		мавжуд	мавжуд эмас
9	Бошхоно	50	Шахрисабз тумани Филон қишлоғи		мавжуд	мавжуд
10	Ноборикак	70	Шахрисабз тумани Филон қишлоғи	1262 та хўжалик 5263 нафар фуқаро	мавжуд эмас	мавжуд эмас
11	Хами Мазор	15-25	Шахрисабз тумани Филон қишлоғи		мавжуд	мавжуд эмас
12	Чангчи	25-40	Шахрисабз тумани Филон қишлоғи		мавжуд	мавжуд эмас
13	ХонаҚо	20-50	Шахрисабз тумани Филон қишлоғи		мавжуд	мавжуд
14	Кокчак	45-60	Шахрисабз тумани Филон қишлоғи		мавжуд эмас	мавжуд
15	Дудак	50-65	Китоб тумани Шут қишлоғи	38 та хўжалик 200 нафар фуқаро	мавжуд	мавжуд
16	Шибаридароз	60-70	Китоб тумани Шут қишлоғи		мавжуд	мавжуд эмас
17	Ёрдамқуйи	35-55	Китоб тумани Шут қишлоғи		мавжуд эмас	мавжуд
18	Жўйкамбар	60	Китоб тумани Шут қишлоғи		мавжуд	мавжуд
19	Рахна	50-60	Китоб тумани Аспидухтар қишлоғи	29 та хўжалик 133	мавжуд	мавжуд эмас

20	Бобшибар	40	Китоб тумани Аспидухтар қишлоғи	нафар фуқаро	мавжуд	мавжуд эмас
21	Саксонқўтан	60	Китоб тумани Аспидухтар қишлоғи		мавжуд	мавжуд эмас
22	Майданак	30-50	Қамаши тумани Катта Ўра МФИ	533 та хўжалик 2783 та фуқаро	мавжуд эмас	мавжуд
23	Шахшар	20-30	Дехқонобод тумани Шахшар қишлоғи	236 та хўжалик 1027 нафар фуқаро	мавжуд эмас	мавжуд
24	Дуканхона	20-30	Дехқонобод тумани Дуканхона қишлоғи	157 та хўжалик 706 нафар фуқаро	мавжуд эмас	мавжуд
25	Қорасон	30-45	Дехқонобод тумани Ойбек қишлоғи	571 та хўжалик 3244 нафар фуқаро	мавжуд эмас	мавжуд
27	Амир Темур ғори	50-65	Дехқонобод тумани Ойбек қишлоғи		мавжуд эмас	мавжуд
28	Хуркуш шимолий томон	55-70	Дехқонобод тумани Ойбек қишлоғи		мавжуд эмас	мавжуд
29	Оқробот	10-27	Дехқонобод тумани Оқробот қишлоғи	873 та хўжалик 4591 нафар фуқаро	мавжуд эмас	мавжуд эмас

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда дунё аҳолисининг 52% шаҳарларда истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, сони ортиб бораётган офатларга нисбатан мумкин бўлган ҳаёт, мулк ва шаҳар йўқотишлари аввалгидан кўпроқ бўлиши аниқ. Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича миллий ва халқаро тадқиқотлар ўрганилганда, бу натижа кутилган натижадир. Қурилган атроф-муҳитнинг табиий муҳитга босими ва табиий муҳит билан боғлиқ қарорларни амалга ошириш 1970-йилларда бошланган бўлса-да, урбанизация динамикасида келиб чиқадиган офат хавфини тушуниш тахминан 10-15 йил давомида амалга оширилди. Ушбу қарор ўз-ўзидан муҳим ўзгариш жараёни ва имкониятни ўз ичига олганлиги сабабли, миллий ва халқаро даражада офат хавфи билан боғлиқ амалга оширилиши керак бўлган амалиётларнинг долзарблигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам, ҳар бир минтақа миқёсида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур.

- Табиий хавфи юқори бўлган зоналар давлат кадастри объектлари маълумотлар тизимини яратиш ишларини такомиллаштириш услубиятини такомиллаштириш;

- Табиий хавфи юқори бўлган зоналар давлат кадастри объектлари хатлови натижаларини таҳлил қилиш ва доимий мониторинг олиб бориш;

- Табиий хавфи юқори бўлган зоналар кадастри маълумотларини юқори аниқликдаги геодезик асбоблар ёрдамида аниқлаш, дастурий таъминотлар орқали Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) да жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.Ихлосов, Д.М.Ризаева “Давлат кадастрлари асослари” ўқув қўлланма Тошкент “НОШИР” 2019.

2. Аллаёров Й., Тожибоев Й. Фавқулудда вазиятларда тез табиий ёрдам асослари. Тошкент, “илм зиё” 2007.

3. Қамбаров У, Осбаёв М ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанидан ўқув-услубий кўрсатма. Фарғона 2014.

4. Норхўжаев А.Қ., Юнусов М.Й. Фавқулудда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари. Тошкент, “Университет”

5. Махматқулов Н.И. Фавқулудда вазиятларни башоратлаш усулларини такомиллаштириш. Монография. 2022

6. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Табиий офатлар хавфини камайтириш бошқармаси (УНИСДР). Фавқулудда вазиятлар хавфини камайтириш бўйича УНИСДР терминологияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича халқаро стратегияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Табиий офатлар хавфини камайтириш бошқармаси, Женева 2009.

7. Алтун, А. О. ва бошқалар. Табиий офатлар хавфини бошқариш доирасидаги шахарсозлик; Истанбул режалари ва иловалари. ОДТУ факультети журнали. 2022

8. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Табиий офатлар хавфини камайтириш бошқармаси (УНИСДР) Биэнниум Иш дастурининг якуний ҳисоботи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Табиий офатлар хавфини камайтириш бошқармаси, Женева 2015

9. Эрдин, Ҳ. Э., Челик, Ҳ. З., Айдин, М. Б. С, Партигоч, Н. С. Фавқулудда вазиятлар ва фавқулудда вазиятлардан кейин аҳоли йиғиладиган жойлар мезонларини аниқлаш ва баҳолаш. Анқара 2019

10. Атай Ч. Ўтмишдан ҳозирги кунгача Измир шаҳар режаси. 2013

11. Измир Губернаторлиги Вилоят Фавқулудда вазиятлар ва Фавқулудда вазиятлар бошқармаси (АФАД). Измир вилоятининг табиий офатлар хавфини камайтириш режаси. 2021